



НОКИМИ

ҚАРОР

2006 yil "2" Июн

№ 1254-К

Самарқанд туман хокимининг 2004 йил 30 августдаги «Отабек Садриддинзода» хусусий фирмасига 0,28 га ер майдони ажратиш хақидаги 370-К сонли қарорига узгартириш киритиш хақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «мева-сабзавотчилик соҳасида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора тадбирлар тугрисида»ги 3709-сонли фармони ва 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш буйича ташкилий чора тадбирлар тугрисида»ги 255-сонли қарори, туман хокимининг 2004 йил 30 августдаги 370-К сонли қабул қилган қарори, ишчи гуруҳ томонидан 2006 йил 25 майдаги тузилган далолатнома ва «Отабек Садриддинзода» хусусий фирмасининг туман хокимлигига ёзган алоқа хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 45 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд туман хокимининг 2004 йил 30 августдаги 370-К рақамли қарорига асосан «Гулобод» ширкат хужалиги ер харитасининг 215 рақамли контуридан «Отабек Садриддинзода» хусусий фирмасига автомашиналарга суюлтирилган газ ва бензин қуйиш шаҳобчаси ҳамда техник хизмат курсатиш устохонаси қуриш учун ажратилган 0,28 га сувли хайдалма ер майдони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «мева-сабзавотчилик соҳасида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора тадбирлар тугрисида»ги 3709-сонли фармони ва 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш буйича ташкилий чора тадбирлар тугрисида»ги 255-сонли қарорига асосан «Гулобод» ширкат хужалиги ерлари лойихалаштирилиб фермер хужалигига утқанлиги сабабли туман хокимининг 2004 йил 30 августдаги 370-К рақамли қарорига узгартириш киритилсин ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган 2006 йил 25 майдаги далолатнома-хулосаси тасдиқлансин.

2. Собик «Гулобод» ширкат хужалиги ер харитасининг 215 рақамли контури ҳисобидан ажратилган (контурни уртасида жойлашган) 0,28 га сувли ер майдони лойихалаштирилиб «Мажидов Халил М.И.Х.» фермер хужалигига расмийлаштирилиб берилганлиги сабабли «Отабек Садриддинзода» хусусий фирмасига автомашиналарга суюлтирилган газ ва бензин қуйиш шаҳобчаси ҳамда техник хизмат курсатиш устохонаси қуриш учун ушбу контурдан ажралиб қолган 0,28 га (шундан: 0,14 га уртача 55 балли сувли ва 0,14 га кишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган) ер майдонига қучирилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юқлатилсин.

4. Мазкур қарорни тасдиғи вилоят хокиминдан суралсин.

Туман хокими:

Б. Садуллаев